



ИШОНСН

ЎЗБЕКISTОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 4 май, сешанба № 53 (700)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



рациялар тузган барча чет эллик дўстларимизга, айниқса кураш бўйича биринчи чемпионатларини ўтказган Япония ва Боливия спорт жонкуярларига сиз, азиз дўстлар ва шахсан ўз номимдан алоҳида миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Мен ишонаман: дунёга машҳур пахлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишилар-

нинг сеvimли машғулотига айланади.

Сафингиздаги энг кучли курашчи полвонларнинг номлари эса биринчи жаҳон чемпионлари сифатида тарих зарварақларида абадий қолади.

Ишонаман: бугун майдонга чиқадиган ҳар бир ўзбек пахлавони, ўзимизнинг йигит фарзандларимиз, «Кувончим, ифтихорим, гурурим - Ўзбекистон!» дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, мардлик ва шижоат кўрсатади.

Ўзбек кураши биринчи чемпионати анжуманининг барча иштирокчиларига, ташкилотчилари ва меҳмонларига ҳаяжонли учрашувлар,

ёркин таассуротлар ва янги галабалар сурури, завқу шавқи ёр бўлишини тилайман.

Азиз дўстлар!

Мана шу бетакрор гўзал спорт залида тўпланган сиз азизларни ўрнингиздан туриб, бағрингизни кенг очиб, меҳмондўст халқимиз номидан: «Кураш Ватани - Ўзбекистонга хуш келибсиз!» деб барча кураш иштирокчиларини табриклар, қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини очик деб эълон қиламан.

ЎЗБЕК КУРАШИ - ЖАҲОН МАЙДОНИДА

Президент Ислон Каримовнинг кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқи

Азиз спортчилар! Қадрли меҳмонлар! Хонимлар ва жабонлар!

Авваламбор дунёнинг беш қитъасидан ташриф буюрган пахлавонларни қадимий ўзбек заминидан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати Ўзбекистон пойтахтида ўтаётгани биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунинг билан курашнинг асл ватани - Ўзбекистонимизнинг нафақат спорт майдонларида, умуман жа-

ҳон тараққиётида ўзига хос, ўзига мос ўринга, нуфуз ва обрўга эга бўлаётганидан яққол далолат деб биламиз.

Ҳақиқатдан ҳам ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар: мардлик, жасурлик, бағри кенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган.


Бу қадимий заминда ўзбек кураши Олимпия ўйинлари каторидан ўзига муносиб жой олади, «XXI Аср спорти» сифатида довруқ таратади.

Биз, мусобақа қатнашчилари Сизга, муҳтарам Президент, ўзбек кураши Олимпия ўйинлари дастуридан жой оладиган қувончли кунларни кўриш насиб этишини тилаб қоламиз.

Пахлавон Маҳмуд сингари елкаси ерга тегмаган баҳодирлар кураш орқали ўзбек юртининг шонига-шон кўшганлар, донгини бутун оламга таратганлар.

Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимизнинг миллий гурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни бағоят қувонтиради.

Бугун, шу юксак спорт анжумани иштирокчилари ва меҳмонлари олдида туриб, ўзбек курашига меҳр кўйган, миллий феде-



Кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионати иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро Кураш Ассоциациясининг фахрий Президенти Ислон Абдуғаниевич КАРИМОВга МУРОЖААТИ

Муҳтарам Президент жаноби олийлари!

Курашнинг дунё миқёсига олиб чиқишда курсатган ташаббусингиз, тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқингизда биз, полвонлар шаънига билдирган самимий тилакларингиз учун Сизга чин юракдан миннатдорлик изҳор этамиз!

Биринчи Жаҳон чемпионати ўзбек кураши спортининг бетакрор ва ўзига хос тури эканлигини яна бир бор намоён этди. Аминимизки, ушбу чемпионатнинг ўтказилиши спортнинг бу турига халқаро жамоатчилик эътиборини янада кучайтиради. Биз, кураш байрамининг иштирокчилари бўлган 48 мамлакат ва-

киллари ушбу ажойиб спорт турининг энг фаол тарғиботчилари бўламиз. Тошкентда ўтган ҳаяжонли кунлар, ҳалол ва қизгин беллашувлар хотирамизда умрбод сақланиб қолади.

Ишончимиз комилки, яқин келажақда ўзбек кураши Олимпия ўйинлари каторидан ўзига муносиб жой олади, «XXI Аср спорти» сифатида довруқ таратади.

Биз, мусобақа қатнашчилари Сизга, муҳтарам Президент, ўзбек кураши Олимпия ўйинлари дастуридан жой оладиган қувончли кунларни кўриш насиб этишини тилаб қоламиз.

Тошкент шаҳри, 1999 йил 2 май.

Кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионати иштирокчиларининг Халқаро Олимпия кўмитаси Президенти Маркиз Хуан Антонио САМАРАНЧга МУРОЖААТИ

Муҳтарам Самаранч жаноблари!

Биз, дунёнинг 48 мамлакатидан Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида тўпланган Кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионати иштирокчилари, Сизнинг Олимпия оғзагини дунёга кенг ёйиш борасидаги эзгу ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз мазкур чемпионат давомида Ўзбекистонда спортга қандай эътибор берилётгани, мамлакат Президентининг бу соҳадаги гаҳмҳўрлигининг гувоҳи бўлдик.

Биз, Биринчи Жаҳон чемпионатининг барча иштирокчилари, келгусида Кураш бутун дунёдаги энг қизиқарли ва оммавий спорт турларидан бирига айланади ҳамда Сизнинг ёрдамингизда Хал-

қаро Олимпия кўмитаси томонидан Олимпия спорт тури сифатида эътироф этилади, деган ниятдамыз.

Ишонимизки, кураш Ўзбекистондагина эмас, умуман бутун жаҳонда Олимпия оғзагини тарғиб қилиш, халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшади.

Жаноб Президент!

Биз, иштирокчилар Сизга Кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионатининг Эсдалик Кубогини йўллашимиз ва у Халқаро Олимпия музейидан муносиб ўрин эгаллайди, деб умид қиламиз.

Тошкент шаҳри, 1999 йил 2 май.

Мен қатнашган вази 90 килограммгача бўлган полвонларнинг ярим финал баҳсида Ўзбекистон вакиллари Баҳром Авазов ва Камол Муродовнинг кураши жаҳон биринчилигидаги энг яхши учрашувлардан бири бўлди. Бу учрашувда ҳақиқий ўзбек курашининг барча қирраларини кўрдим. Хабарингиз бор, декабр ойида Вильнюсда кураш бўйича Европа очик биринчилиги ўтказилиши режалаштирилган.

Ўйлайманки, унда бизнинг литвалик полвонлар ҳам муваффақиятли катнашади.

РОМАС ПАЧИНСКАС (Литва):

Курашнинг жозибаси мени мафтун этди. Одатда курашнинг бошқа турларида спортчилар тилгама ётган ҳолда ҳам ҳаракатларини давом эттиради. Бу эса муҳлисларнинг бирмунча зеркишига сабаб бўлади.

9-май Хотира ва Қадрлаш кунини

Тарихнинг ўзидек кўнча ва ҳамшиша навқирон Самарқанд нафақат рўйи замин сайқали, балки жасорати тилларда дoston бўлган мард ўғлонлар юрти ҳамдир. Орадан ярим асрдан зиёдрок вақт ўтган бўлса-да, уларнинг фашизм ва босига қарши олиб борган мардонавор жанглири, мислсиз қаҳрамонликлари ҳамон тилдан-тилга кўчиб юради. Энг муҳими, улар халқ эъзозиди, қалб ардоғида.

Булунгур туманидаги Жўрабеков кўчасида бир файзиёб хонадон бор. Бу уйда элу юрт шаъни-шавкатини жамини нарсадан устун деб билган Нурулло Убайдуллаев яшаган.

Мислсиз йўқотишлари ададсиз вайронгарчиликлар кел-

ОТАЛАР ЁДИ

тирган урушнинг бор даҳшату ваҳшатини ортда қолдирган Нурулло Убайдуллаев 1945 йили киндик қони томган Булунгурга қайтиб келди. Унинг учун ҳақиқий ҳаёт шу кундан бошланди: тинч, осуда меҳнат кўчюғига отилди. Дастлаб тумандаги ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанидан ёшларга сабоқ берди. Кейинчалик маориф тизимида, туман идораларида раҳбарлик қилди. Шунингдек, республика газеталарида мақола, фельетонлари билан қатнашиб турди.

Нурулло Убайдуллаевнинг юртдошлари нафақат ёшларга таълим-тарбия берган устоз деб, балки 30 йилдан ортиқ маҳалланинг бошини қувуштириб келган, унинг яши-юёмон кунларида камарбаста бўлган ажойиб инсон сифатида ҳам хотирлашади.

Шоҳрух МИРЗО.

ХОРИЖ ПОЛВОНЛАРИ БАҲОСИ

Ўзбек миллий кураши бўйича 1-жаҳон чемпионати нихоясига етди. Элликка яқин мамлакат полвонлари иштирок этган мазкур мусобақа ўзбекларнинг миллий кураши бутун дунёда шухрат топаётганидан дарак берди. Ўза муҳбири хорижлик полвонларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

ХОНОРАТО КАРЛОС ЭДУАРДО (Бразилия):

- Аввало, кураш бўйича 1-жаҳон биринчилигига тақдир этилганидан мамнунман. Мен илгарилари фақат дзюдо билан шуғулланганман. Тошкентга келганимизда ўзбек мутахассислари бизга курашнинг сир-асрорларини, қоидаларини ўргатишди. Менга курашнинг соддалиги, шу билан бирга, гоёт шиддаткорлиги жуда маъқул бўлди. 1-жаҳон биринчилигидан умидим катта эди. Бирон совринли ўринни эгалласам,

бразилияликларга бу спорт турини яқиндан таништириш анча осон ва қулай кечарди, деган мўлжалим бор эди. Ўйлайманки, мен ниятимга етдим. Вази 90 килограммдан оғир бўлган полвонлар баҳсида совринли ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлдим. Энг кучли полвонларнинг эли билан курашиш мен учун жуда оғир кечган бўлса-да, улардан кўп нарсани ўргандим. Кураш бўйича бундан кейинги жаҳон биринчиликларида ва бошқа халқаро мусобақаларда қатнашиш ҳамда муваффақиятга эришиш ниятида-

ман. Бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Спортнинг қўллаб турларини ўзатиб бораман. Лекин ўзбеклардек ҳақиқий муҳлисларни кам кўргаман. Ярим финал учун курашда полвонларнинг эустидан галаба қозонганимда мени астойдил қўллаб-қувватлаганларини кўриб, тўғриси, уларнинг ҳолислигига тасаннолар айтдим. Айнан уларнинг менга бўлган бундай самимий муносабатлари совриндор бўлишимга ёрдам берди, десам адашмайман.

РОМАС ПАЧИНСКАС (Литва):

Курашнинг жозибаси мени мафтун этди. Одатда курашнинг бошқа турларида спортчилар тилгама ётган ҳолда ҳам ҳаракатларини давом эттиради. Бу эса муҳлисларнинг бирмунча зеркишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

9-майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида

9-майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:
 - иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;
 - аёллар, 60 ёшдан ошган эркеклар;
 - воёга етмаган ёшида жиҳоят содир этган шахслар;
 - биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;
 - амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;
 - бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар.
- Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин, ушбу Фармоннинг 10-моддасида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан мустасно.
- Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан ушбу Фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга-мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.
- Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.
- Мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмайдиган жазодан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.
- Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:
 - қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга - ярмига;
 - қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмга.
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 244-1 моддаларида, 246 моддаси 2-қисмида, 247 моддаси 2, 3 қисмларида, 248 моддаси 2, 3 қисмларида, 270 моддаси 3-қисмида, 271 моддаси 3-қисмида, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёҳуд жиноий уюшма таркибидида жиноят содир этган шахсларга Фармоннинг 1-3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а,в» бандлари билан судланганлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 272, 273 моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек, биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно).
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244-1 моддаларида, 247 моддаси 2, 3-қисмларида, 248 моддаси 2, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-моддаси қўлланилмасин.
- Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу Фармон татбиқ этилмасин.
- Фармон матбуотда эълон қилинган кундан қучга қиради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1999 йил 30 апрель
Анвар КАРИМОВ суҳбатлашди.

Касаба уюшмалари бозор шартинда

Бундан бир йилча олдин енгил, маҳаллий мебель ва сантехника ва коммунал маиший хизмат кўрсатувчи касабалар уюшмаси вилоят кўмитаси тузилган бўлиб, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, кундалик ишларни аниқ изга солиш, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, эҳтиётманд кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кўчайтириш максисда бир қатор тадбирлар белгиланган ва уларни изчил амалга ошириш бошланган эди.

Дастлабки йил иш натижалари билан танишар эканмиз, янгитдан ташкил этилган касаба уюшмаси вилоят кўмитаси ва тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида туб бурилиш рўй берганини кўрамиз. Улар чиндан ҳам кейинги пайтда меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофазалаш максисда бир қатор ибратли тадбирларни белгилаб олдилар.

Касаба уюшма ходимлари фаолларнинг тиниб-тинчимаслиги ва жонқуялри қатор ижобий натижаларни қўлга киритиш имконини берди. Чунончи, Оила йили деб эълон қилинган ўтган 1998 йилда 100 дан орტიк кам таъминланган оилага жами 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Тармоқ касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг ҳар бир ташаббуси жойларда касаба уюшма ташкилотларининг етакчилари томонидан

илик кутиб олинди. Масалан, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти меҳнатчилари ўтган йили жами 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам олдилар. Уларга шунингдек, «Тошкент маъдан сувлари» санаторийсига 150 та йўлланма ҳам ажратилди. Йўлланмалар умумий баҳоси гарчи 2,7 миллион сўми ташкил этган бўлса-да, даволанувчилар ҳар бир йўлланманинг атиги 10 фоиз нарҳини тўладилар, холос. 1999 йил арафасида эса ҳиссадорлик жамияти ишчиларининг болалари учун жами 4 миллион сўмлик 9 мингта Янги йил совғалари тарқатилди. Бухоро шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ кам таъминланган оилаларнинг болаларига ҳам 720 та совға берилди.

«Бухоровилоятгаз» ишлаб чиқариш бошқармасида бу борада амалга оширилган ишлар ҳам диққатга сазовдоридир. Мақтаб ўқувчилари учун дарсликлар сотиб олиш максисда 260 нафар оилага 300

минг сўм ажратилди. Шунингдек уларга 3600 та Янги йил совғалари берилди.

Ҳозирги пайтда бошқарма ишчи-хизматчилари меҳнат таътилига чиқибдан олдин бир ойлик иш ҳақи миқдорига ёрдам пули олмақдалар. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун 400 минг сўм сарфланганди.

Шуниси эътиборлики, тармоқ корхоналарининг ишчи-хизматчилари учун коммунал-маиший хизматлар пулини тўлашда ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланган. Масалан, «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасида эришилган фойда ҳисобидан ишчи-хизматчилар ичимлик сув ва канализация тўловларидан (50 фоиздан 100 фоизгача) озод этилганлар. Бунда ишловчиларнинг меҳнат стажи ҳисобга олинади. Уларга мунтазам равишда овқат пули бериб берилмоқда, вақти-вақти билан кишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ҳам таъминланмоқдалар.

«Исиклик манбаи» троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаларида,

«Зардўз» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа корхоналарда ҳам ишловчилар ана шундай имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Бундай имтиёзлар маъмурият ва касаба уюш-

ма ташкилотлари доимий эътиборида бўлди. Шу мақсадда кейинги пайтда 30 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Гарчи шундай бўлсада, ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим. Тармоқ корхоналарида ўтган йили 9 та бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқариши, корхоналарнинг раҳбарлари ҳам, касаба уюшма ташкилотчилари ҳам айна шу масала бўйича зарур чораларни кўраётганликлари, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича ишловчиларни зарур кўрсатмалар ҳар доим ҳам белгиланганлиги аниқ ҳақиқатдир. Тармоқ корхоналари бўйича 1998 йилда 5 нафар кишининг турли касб касалликларига чалиниб ногирон бўлиб қолгани, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида 1 кишининг ҳаётдан кўз юмгани ҳам рост.

Аёллар йили деб эълон қилинган 1999 йилда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, меҳнат фахрийси ҳисобланган аёлларни ижтимоий муҳофазалаш борасида жойлардаги касаба уюшма кўмиталари зиммасида катта масъулият турибди. Айниқса, ишчи аёлларнинг меҳнат ва дам олиш шартини яхшилаш - кун

ва ташкилотлари доимий эътиборида бўлди. Шу мақсадда кейинги пайтда 30 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Гарчи шундай бўлсада, ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим. Тармоқ корхоналарида ўтган йили 9 та бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқариши, корхоналарнинг раҳбарлари ҳам, касаба уюшма ташкилотчилари ҳам айна шу масала бўйича зарур чораларни кўраётганликлари, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича ишловчиларни зарур кўрсатмалар ҳар доим ҳам белгиланганлиги аниқ ҳақиқатдир. Тармоқ корхоналари бўйича 1998 йилда 5 нафар кишининг турли касб касалликларига чалиниб ногирон бўлиб қолгани, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида 1 кишининг ҳаётдан кўз юмгани ҳам рост.

Аёллар йили деб эълон қилинган 1999 йилда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, меҳнат фахрийси ҳисобланган аёлларни ижтимоий муҳофазалаш борасида жойлардаги касаба уюшма кўмиталари зиммасида катта масъулият турибди. Айниқса, ишчи аёлларнинг меҳнат ва дам олиш шартини яхшилаш - кун

тарибидаги асосий вазифалардан биридир.

Ҳозирги пайтда барча корхона ва ташкилотларда аёллар йили муносабати билан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, ушбу тадбирларда «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти хузуридаги санаторий-профилакторийда 1999 йил давомида 100 нафарга яқин ҳомилдор аёлни даволан кўзда тутилган.

Шунингдек, бу ерда йил охиригача 100 дан орტიк оналар ўз болалари билан бирга даволаниб, шифо топадилар.

1999 йил учун жамоат шартномаларини ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилишга тайёргарлик ишлари пухта ташкил этилди. Касаба уюшма кўмиталарининг раислари, корхоналарнинг иқтисодчилари иштирокида яқиндан ўтказилган семинар машғулотига ҳам меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалани қўчайтириш, касаба уюшма ишларини янада такомиллаштириш бўйича фойдали маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди.

Корхонада фойдага қолган маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланади, ўз сармасини бермоқда. Ишчиларнинг маошини ошириш, кучли ижтимоий ҳимояни амалга оширишга эришилапти.

Ҳар бир акционер молия масаласида қузатув кенгашига мурожаат қилишга ҳақлидир. Бизнеснинг муҳим вазифаларини миздан бири ишчиларга қўлай, озода, хавфсиз иш шартини яратиш, пешона тери билан топиладиган баъзи масалаларни бахтсизликдан бошқариб келинади. Корхонада ҳиссадорларнинг умумий мажлисида овоз бериш билан бўлиб, бу сўронома орқали маъмуриятнинг йиллик ҳисоботи, фойда ва зарар бўйича йиллик балансини тасдиқлаш, тафтиш комиссияси ва ташқи аудитхўслари, фойда ва туланган дивидент, бизнес режа, жамият аудитори тасдиқлаш каби турли хил муҳим масалаларга нисбатан акциядорларнинг фикри ўрганиб чиқилиб, шунга асосан йил мобайнида қилинган меҳнат сарҳисоб қилинади ва келгусидаги ишлар режалаштирилади. Бозор талаби ўрганиб борилиб, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор берилди.

Корхонада ўртача маош мукофот пули билан қўшиб ҳисобланганда 13 минг 400 сўми ташкил этади. 1998 йил натижалари бўйича ишчиларга 41 миллион 200 минг сўмлик дивидент пули тарқатилди.

Истам ИБРАГИМОВ, Муродулла ҒАФУРОВ.

«Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаसा, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шартини, айтиш мумкин, унинг қонундир.»
(Олий мажлис XIV сессияси ҳужжатларидан)

РАҚОБАТ - БОЗОРНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Бугунги кунда товар бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, монополь мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан назорат қилиш ва истеъмочилар ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида қандай тадбирлар амалга ошириш мумкин? Бу ҳақда муҳбиримизга Ўзбекистон Молия вазирлиги хузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг бошқарма бошлиғи Салимжон Дўстматов қуйидагиларни сўзлаб берди.

Республикада товар бозорларини тулиқ таҳлил қилиш натижасида рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги кундаги асосий вазифаларимиздан эканлигини янада чуқурроқ ҳис этдик. Шу нукта назардан ўтган йилнинг биринчи чорагида худудий бошқармаларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимиятлари томонидан минтақавий дастурларнинг бажарилиши таҳлил қилинди. Таҳлил якунлари бўйича республикамиздаги барча вилоятлар товар бозорларида рақобатни шакллантириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл сармояларидан самарали фойдаланиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилганлиги аниқланди.

Бозорнинг фаолият кўрсатиши учун муҳим шарт унда рақобатлаш олади-ган хўжалик субъектларининг мавжудлигидир.

Мазкур йўналишни амалга ошириш максисда минтақавий дастурларда 2000 йилгача бўлган даврга ҳар хил товар бозорларида 204 та янги корхоналар ташкил этиш кўзда тутилган.

Харакатдаги, ишлаб турган корхоналар базисига ҳорийий инвестицияларни жалб қилиш максисда 32 тадан ортиқроқ бозорларда 83 та қўшма корхоналар тузиш мўлжалланган.

Рақобатни ривожлантириш шаклларида бири - рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланади. Шу мақсадда ҳар хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги турларини ўзлаштириш бўйича 116 та корхоналарни қайта тиклашни амалга ошириш мўлжалланган.

Тадбирларнинг шарофати билан дастлабки ижобий силжишлар қузатишмоқда.

Шунингдек, тармоқлар бўйича ҳам дастурларнинг бажарилиш ишлари давом эттирилмоқда. Масалан, республика нон маҳсулотлари бозорига «Узон-маҳсулот» Давлат ҳиссадорлик корпорациясида бугунга келиб қуввати бир суткада 10 тоннагача маҳсулот чиқарадиган 15 та кичик корхона ишга туширилди.

Худди шу каби «Ўзозиковқатсанвати» ассоциациясида ҳам ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида кўпгина ишлар қилинди.

Бунга мисол қилиб, Нукус пиво ишлаб чиқариш заводига ишга туширилган қуввати 1 соатда 4 минг дона, 1,5 литр ҳажмдаги минерал сув ишлаб чиқарадиган конвейер, «Самарқанд-Прага» қўшма корхонасида, Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги қувончи ўзгаришларни айтиш мумкин. Натижада, минерал сув ишлаб чиқариш бозорига рақобат муҳити вужудга келтирилиб, Қибергайдаги «Роҳат» ва «Андижон-Прага» қўшма корхоналари Давлат реестридан чиқарилиди.

Республика транспорт хизмати кўрсатиш бозорининг фаолияти таҳлил қилиниб, автотранспорт хизматини ривожлантиришнинг умумий йўналишлари ишлаб чиқилди ҳамда «Ўзавтотранс» корпорацияси тақдим қилинди. Унга қўшма ҳисса бўлиб, ҳар хил транспорт хизмати кўрсатиш бозорини ташкил этиш, ҳаракатдаги маши-

на саройларини янгилаш, чет эл билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш каби муаммоларни ечиш кўзда тутилган.

Айни чоғда, Кўмита ва унинг худудий органлари монополияга қарши қонунчилик бўйича рақобат муҳитини шакллантириш устидан доимий назорат олиб бормоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи чорагида қонунчиликка зид ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш максисда «Вақт» Миллий депозитарийида акциялар олди-сотдиси га доир 190 та битимлар бўйича инвентаризация ишлари олиб борилди. Шундан 18 та акциялар олди-сотдиси бўйича турли ҳолатларда монополияга қарши давлат органларининг рухсатисиз амалга оширилганлиги аниқланди ва барча фактлар бўйича тегишли ёзма кўрсатмалар берилиб, қонунчиликда бузилиш холларига чек қўйилди.

Қимматли қозғалди олди-сотдиси га алоқадор материалларни ўрганиш жараёнида корхоналарнинг низоми ҳам текширилди. Кўриб чиқилган 725 та корхоналарнинг кўпиди монополияга қарши қонунчиликка зид бўлган фактлар мавжудлиги аниқланди ва бу низоми-ларни қонунга мувофиқлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Таъкидлаш жоиз, ҳали ҳам монополияга қарши органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунбузарликлар аниқланиб келмоқда. Қонунбузарликлар асосан хўжалик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмочиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополиястик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа меъриий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиққан.

Монополияга қарши қонунчилик талабларига риоя қилиш доирасида текшириш ишлари 547 корхона ва ташкилотларда ўтказилди. Натижада 328та қонун бузилишлари аниқланди, ноқонун олинган даромад 84,2 млн. сўми ташкил этди.

Олинган ноқонуний даромадларни 100 фоиз жарималари билан «Нархларни бошқариш жамғармаси»га ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.


Мухтарам Президентимиз Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаларда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилди. Шу маънода «Истеъмочилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши зиммасига алоҳида масъулият юкляди. Шу йилнинг биринчи чорагида Кўмитамиз ва унинг худудий бошқармалари томонидан 339 та савдо, соғлиқни сақлаш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва бошқа объектларда текшириш ва таҳлиллар ўтказилди. 246 та ҳолатда товарлар ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Аммо, айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари юқоридаги камчиликларни тугатиш ишларига совуққонлик билан қарадилар. Натижада, 13 та манабдор шахслар ва 2 та хўжалик юритувчи субъектга 199,8 минг сўм миқдориде жарима солинди.

Кўмитамиз фаолиятида халқроқ ҳамкорликни янада қўнайтириш катта ўрин тутди. Ҳали монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ҳамда истеъмочилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўпгина янги йўналишларни аниқлаб, излангилар олиб боришимиз керак. Бу борада бозор иқтисодиётини ривожлантириш мамлакатлар тажрибалирини ўрганиш ва республикамизнинг ўзига хош хусусиятларини ҳисобга олиб, бу мамлакатлар тажрибалирини жорий этиш катта аҳамият касб этади.

Сўхбатдош: К.ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири.

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ

Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги «Бекат» деҳқон-фермер хўжалиги тайёрлаган сутқатик маҳсулотлари касалхона, болалар ва меҳрибонлик уйларига арзон нархларда етказиб берилмоқда. Тадбиркор Фарход Суяровнинг ишбилармонлиги туфайли сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик завод ҳарид қилинди-ю, тўғри ташкил этилган меҳнат ишининг бароридан келишига асос бўлди. Бугун мазкур корхона маҳсу-



лотларининг бозори чаққон.
Суратда: хўжалик раҳбари Фарход Суя-

ров ва цех устаси Облоқул Ражабовлар маҳсулот сифатини текширмоқдалар.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ўза) олган сурат.

Ибрат

ТЎЙБОШИ

Дўстлик туманидаги Мамажон Дадажонов номли ижара ширкатлари бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси чўлқувларнинг тўй-маросимлари ва оилавий тантаналарини ихчам, камчиқим ҳамда ортиқча дабдабаларсиз ўтказишга алоҳида эътибор бермоқда. Бунда юртбошимизнинг шу ҳақдаги Фармонни дастуриамал бўлаётди.

Касабақў раиси

Аваз Расуловнинг ҳисобига қараганда, жорий йилда бирлашма меҳнаткашларнинг 12 та никоҳ, 15 та суннат тўйлари ва ўнлаб бошқа тантаналари бор экан.

Ана шу тадбирларни эсда қоладиган қилиб ўтказиш керак. Яқинда бирлашма маъмурияти ва касаба уюшма кўми-

таси ўртасида тузилган жамоат шартномасида худди шу мақсадга кенг ўрин берилди. Жумладан, оилада фарзанд туғилганда, суннат ва никоҳ тўйлари ўтказилаётганда ота-онага икки кун, турмуш қураётган ёшларга уч кун таътил берилди. Транспорт билан таъминлаш ҳам бир-

лашма ҳисобидан. Шундай таътил ва техника хизмати аздорлар учун ҳам белгиланди.

Бирлашмада касаба уюшма кўмитасининг доимий гамўўлиги туфайли кам таъминланган оилаларга, нафақа-хўр ва ногиронларга моддий ёрдам бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш аввалги йиллардаги нисбатан яхшиланиб бормоқда.

К.ЖўРАҚУЛОВ.

ЮЗТУБАН КЕТИШ

Фельетон ўрнида

Раиснинг ҳақалак отган нафси 207 минг 452 сўм нафақа пулини еб ҳам қоникмади. Ҳатто ҳомилдор аёллар насибасига чанг солишгача бориб етди.

Хўжалик иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолди. Тирикчилик ўтказиш қийинлашиб, меҳнатчиларда иштиёқ сўнди. Ана шундай бир шароитда Ш.Рашидов туманидаги Х.Олимжон номли деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасида Раисбек Зармасов раислик курсисига ўтирди. Деҳқонлар янги раҳбар ёш, серғайрат, муаммоларни ҳал этиб ишни йўлга қўйди, дея умид қилишганди. Дастлабки кезлар янги раис елиб юргурди, пахтачиликни изчил ривожлантириш, иқтисодиётни юксалтиришга қаратилган тадбирлар ижроси устида бош қотирди. Бирок, инсоннинг қимлигини билиш қийин экан. Зармасов ўзини эл жонқури этиб кўрсатиш-

га уринсада, фикри ёди қандай қилиб бўлмасин мўмай пул топишда экан. Одамлар ҳатто нафақа пулларини оломай қийналиб қолиши. Раҳбарларга учрашишса, «банкада пул йўқ» деган жавобни қилишарди.

Лекин бунга асосий сабабчи раис бошлиқ бир гуруҳ юлғичлар, кўзбўямачилар эди.

...1998 йил мобайнида хўжаликдаги кам таъминланган оилалар идорага қатнай-қатнай чарчадилар. Улар нафақа пулларини зориқиб қуттишарди. Ҳазиначи Ҳасан Бекназаров эрта келинг, индин келинг, дея уларнинг қўйини пуч ёнгоққа тўлғазилган чарчамади, Қарангики, эртанинг эртаси адо бўлмасди. Деҳқон, кишлоқ кишиси гоётада ориятли, сабр қаноатли бўлади. Улар кўзбўямачиларнинг уйдирмаларига ишонми-

ди, эртами-кечми мушкулимизни осон қилишар, дея умид билдиришди. Одамнинг оласи ичиде, деб бежиз айтишмас экан. Раис Мусабек Зармасов, бошқосбчи Нилуфар Анварова, ҳисобчи Шуҳрат Суяроқов, ҳазиначи Ҳасан Бекназаровларнинг егани олдинда, емагани кетинда бўлиб қолди. Соддадил кишилар бу эгри қўллар қўйининг ҳақиқдан хазар қилмай ҳатто нафақага чанг солганликларини қаёқдан билишимиз?

Хўжалик 1997 йилнинг ноябридан 1998 йил февралигача Пахтабод «Пахтабанк»-дан олтига чек билан 471.000 сўм нафақа пули олди. Меҳнатчиларнинг ҳар қандай алдовларга қўнишаётганини кўрган нафис ҳақалак раиснинг нияти бузилди. Узоқ ўйлаб ўзича режа тузди. Юқоридан номлари келтирилган кимсаларни авраб, уларни ҳам ўзига шерик қилди. Шу тариқа жинсий гуруҳ ўз «фаолият»ини

бошлаб юборди. Сохта ҳужжатлар тузилиб ҳазинадаги пулни 207.452 сўми «арра» қилинди. Вақт ўтиши билан кўзтор келганида ҳамтопул топшининг ҳумори тутди. Далада ишлаётганларни алдаш унча қийин эмас экан. Раис, бош ҳисобчи нима дейишса ишониларди. Бирок, раҳбарлар энг улуг нарсаси — эл ишончига, ҳурмати, уларнинг ҳақиқига чанг солиш билан жавоб бериб, юзтубан кетаётганликларини сезишмасди.

Ўтган йилнинг августиде «Пахтабанк»-дан 191 минг сўм иш ҳақи олинди. Ўрганган кўнгул ўртансақўймас, деганларидек, раис бошлиқ гуруҳ авъоллари қингир йўллар билан ушбу маблағни ҳам жигилдонга урдилар. Вақт ўтиши билан Мусабек Зармасов ва унинг гумашталари хўрдани ҳам, бурдани ҳам урадиган бўлиб қолиши. Энди гал омборга ўтди. Ҳисобчи Ш.Суяроқов ҳисобига

МОДДИЙ МАН-ФААТДОРЛИК - МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Жамиятимизда мулкдорлар сифини шакллантиришдан бош мақсад кишиларда мулкая бўлган муносабатни ўзгариштириш, ишлаб чиқаришда омилкорликни оширишдан иборатдир. Поиттахимиздаги «Тошмарг» очик ҳиссадорлик жамиятида бу муҳим масалага алоҳида аҳамият берилган ҳолда иш юритилмоқда. Яқинда корхонада ҳиссадорларнинг йилгилиши бўлиб, амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, корхонада иш таъминоти тўлиқ йўлга қўйилгани туфайли мавжуд 19 та цехдаги ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар аввалги йилдагидек мажбурий таътилга чиқаришнинг йўқлиги, аксинча, улар меҳнати узулуксиз иш ҳақи билан рағбатлантириб борилди.

Корхонада фойдага қолган маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланади, ўз сармасыни бермоқда. Ишчиларнинг маошини ошириш, кучли ижтимоий ҳимояни амалга оширишга эришилапти.

Ҳар бир акционер молия масаласида қузатув кенгашига мурожаат қилишга ҳақлидир. Бизнеснинг муҳим вазифаларини миздан бири ишчиларга қўлай, озода, хавфсиз иш шартини яратиш, пешона тери билан топиладиган баъзи масалаларни бахтсизликдан бошқариб келинади. Корхонада ҳиссадорларнинг умумий мажлисида овоз бериш билан бўлиб, бу сўронома орқали маъмуриятнинг йиллик ҳисоботи, фойда ва зарар бўйича йиллик балансини тасдиқлаш, тафтиш комиссияси ва ташқи аудитхўслари, фойда ва туланган дивидент, бизнес режа, жамият аудитори тасдиқлаш каби турли хил муҳим масалаларга нисбатан акциядорларнинг фикри ўрганиб чиқилиб, шунга асосан йил мобайнида қилинган меҳнат сарҳисоб қилинади ва келгусидаги ишлар режалаштирилади. Бозор талаби ўрганиб борилиб, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор берилди.

Корхонада ўртача маош мукофот пули билан қўшиб ҳисобланганда 13 минг 400 сўми ташкил этади. 1998 йил натижалари бўйича ишчиларга 41 миллион 200 минг сўмлик дивидент пули тарқатилди.

Улугбек ПЎЛАТОВ

Саминжон СУЛТОНОВ, Нурилла ШАМСИЕВ.

Маданий-маиший шароит

Аёллар йилида кўмитамиз асосий диққат-эътиборни аёллар меҳнатининг муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини химоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратган.

Амалга оширилаётган ишларни жойларда бўлиб, мунтазам ўрганиб бораемиз. Корхоналардаги меҳнат шароити, аёлларимиз учун яратиб берилаётган имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилди.



Наманган вилоят ҳокимлиги Аёллар йили муносабати билан кўплаб ибратли ишларни амалга оширмоқда. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси вилоят ишбилармон аёллар Ассоциацияси билан ҳамкорликда «Бегойим» дастурини ишлаб чиқди.

Аёл. Унинг меҳр жўш урган дарё қалби оламнинг сир-синоати янглиг янги-янги талкинда намоеён бўлаверади. Замонлар ўзгараверади, асрлар ўтаверади, лекин аёл қалби эзгулик чашмаси бўлиб қолаверади.

Келинг, яхшиси, ана шу «аммо»га сабаб бўлган воқеа тафсилотини бир бошдан ҳикоя қилайлик. Матлуба Каримова 1980 йилдан буён Жиззах шаҳар молия бўлимида хизмат қилиб келади. У Тошкент халқ ҳужалик институтини сирдан тамомлаган.

лар вужудга келган. Булар албатта маданий-маиший шароитларнинг яхшиланишига, турли тоифадаги нафақаларнинг ўз вақтида тўланишига салбий таъсир этмокда.

«Хон-Атласи», Фаргона «Баркамол» Х.Ж., «Бешариқтўқимачи» Х.Ж.ларида аҳвол ачирилди. Биз албатта бу воқеаларга томошабин бўлиб турмаймиз.



Шогирди Фариха Абдуллаевага тол новдаларидан турли буюмлар тайёрлашни ўргатмоқда.

риоя қилинмаган. Бундан ташқари Меҳнат Кодекси 100-моддасининг V қисмига кўра, ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайди.

ДЕПУТАТНИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚўПЛАДИ

қиди вилоят молия бошқармасининг буйруғи ва шаҳар ҳокимининг қарори чиқади. Аммо энг ажабланишли, ўша пайтда Матлуба Каримова 1-шаҳар шифохонасининг кундузги бўлимида сурункали гепатитдан даволанаётган эди.

Биздан сўрабсиз ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳ.Премкулов жавоб беради.

САВОЛ: Ходимнинг меҳнатга яроқсизлик варақасига, боласи 2 ёшга тўлганича бериладиган нафақа ёки суюнчи пули, баъзи сабабларга кўра маъмурият томонидан берилмай, орадан 2-3 йил ўтиб кетган бўлса, қай тарзда тўланади? Бу давр ичида иш ҳақи бир неча марта ошди.

А.Саломатов, Сурхондарё вилояти, Учқизил кўрғони. ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги «Давлат ижтимоий сугурта бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда бериллади:

- а) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастлиши); б) санаторий-курортларда даволанганда; в) касалланган оила аъзосини парваришлар зарур бўлганда; г) карантинда; д) сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда; е) ясама аъзо қўйдириш учун протез-ортопедия корхонаси касалхонасига ётқизилганда.

ҚУТЛУФ ҚАДАМЖО

Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан Қарши шаҳрида Хотира майдони қурилиши давом этмокда. Ушбу иншоотда жами 37 миллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мўлжалланган.

ҲАҚ ҚАРОР ТОНДИ

равишда бўшатирилганлиги учун ўз вазифасига қайта тикланганлигини маълум қилди. Ниҳоят, адолат ўз жойида қарор тонди.

ПРЕТОРИЯ

Мозамбик пойтахти Мапутуда пиёдаларга қарши миналардан фойдаланиш тартибига кирувчи мамлакатлар вакиллари учрашуви бошланди. Унда бу турдаги миналарни таъқиқлаш ва уларни зарарсизлаштиришда, Конвенцияга кирувчи иқтисодий жиҳатдан аҳолига бўлган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Савоб

Саховатпеша инсонлар ҳақида гап кетганда паркетликлар Тоҳиржон Холтоев, Тожибой Ризаев, Сайфиддин Йўлдошевларнинг номини биринчилар қаторида ҳурмат билан тилга олишди.

Тоҳиржон Холтоев раислик қилаётган «Бойқозон» ширкатлар уюшмаси барча соҳаларда ютуқларга эришиш билан бирга мактаб ва болалар боғчалари тарбияланувчиларига ҳам меҳр-мурувват кўрсатилади.

САХОВАТПЕШАЛАР

шяпти. Тумандаги 5 та илм маскани ва мактабгача тарбия муассасалари ўз оталигига олган ширкатлар уюшмаси маориф соҳасида узоқ йиллар халол хизмат қилган ўқитувчиларга текинга уй ажратиб беришди.

М.ЭШОНОВ

Паркент тумани ташли ва фан ходимлари касабаси уюшмаси раиси.


OLAMDA NIMA GAP

МОСКВА. Россия ташқи ишлар вазирлиги Игор Иванов билан Белгия ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Эрик Дерейк ўртасида учрашув бўлиб ўтди.


ХАРТУМ. Судан ва Эритрея ўртасида сулҳ битими имзоланди. Унга икки мамлакат президентлари - Умар ал-Башар ва Исаяз Афеворк имзо қилди.

ҚОҲИРА. Миср президенти Хусний Муборак Франция бош вазирлиги Лионел Жаспен билан учрашди.

Америка



ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ



Бир вақтлар Ўзбекистонда жаҳон чемпионати ўтказилади, деса ҳар қандай одам ҳам хайратланарди. Яратганга минг бора шукрлар бўлсинки, бугун асрий орзуларимиз рўёбга чиқди. 1998 йилнинг 6 сентябрида таъсис Конгресси бўлиб ўтди. Конгрессда жаҳоннинг 28 мамлакати вакиллари ташаббуси ва бевосита иштирокида Халқаро «Кураш» ассоциацияси дунёга келди. Ифтихоримиз шунки, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Халқаро «Кураш» ассоциациясининг доимий фахрий Президенти этиб сайланди.

Кураш. Минг йилдан-да узоқ тарихга эга бўлган бу спорт тури энди-гина жаҳон аренасига чиқди. Унинг тез орада шухрат қозониши, бугун жаҳонда бирдек қизиқиш уйғотишини кўпчилигимиз тасаввурга сийдирилмасдик. Ўзбекистон Президентини соврини учун ўтказилган катта кураш мусобақаси, Сурхондарёда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнир ва бир қанча мусобақалар унинг келажагини бир қадар белгилаб берди.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатлардан биринчи бўлиб Япония кураш миллий Федерациясини тузиб, шу йилнинг 28 мартда мамлакат чемпионатини ўтказган барчамизнинг кўнгилмизда фахр, ифтихор туйғуларини уйғотди. Дастлаб, 30 га яқин хорижий давлатлар курашга қизиқиб ботишган бўлсалар, биринчи жаҳон чемпионати бошланиши арафасида иштирокчилар сони 50 дан ошиб кетди. Бу эса ўзбек курашига бўлган қизиқишнинг кун сайин ошиб бораётганидан далолатдир. Ҳатто айрим мутахассислар ўзбек курашини барча курашларнинг отасидир, дея эътироф этмоқдалар.

1 - 2 май кунлари пойтахтнинг «ЖАР» спорт мажмуи курашни севувчи барча мухлисларни ўз бағрига қорлади. Бугун майдон ҳаяжон ичида

зи ҳам анча кенг: Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Қорақалпоғистон, хуллас мамлакатимизнинг энг чека туманларидан ҳам томошталар йиғилганди. Муҳлислар орасида аёлларни ҳам учратиш мумкин эди. Бу эса курашнинг нақадар қон-қонимизга сингди кетганидан далолатдир.

Зеро, курашимиз чуқур илдиз отган дарахтга ўхшайди. Қайсики дарахтнинг илдизи чуқур, мустаҳкам бўлса, унинг умри боқий. Ўзбек халқ эпоси — «Алломиш» дostonида, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону-луғатит турк», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Ибн Синонинг ноёб асарларида ҳам кураш мусобақалари, беллашувлар, турли юртларда ўтказилиши мумкин. Ҳатто ўзбеки танимайдиган, биз ҳақиқида маълумотга эга бўлмаган жойларда ҳам кураш мусобақалари ўзбек она «таъзим», «кураш», «халол», «ёнбош», «чала», «тўхтанг», «танбех», «даки», «ғирром», «бекор», «тенг», «вақт» каби атамалар ҳамда полвонлар энгидидаги либосларда ўтаверади.

Не тонгким, истиқлол шарофати ила бугун неча асрлик орзуларимиз рўёбга чиқди. Мамлакатимиз ички сиёсатининг ажралмас қисми бўлган спортининг гамхўр отаси у ки-

шининг қўллаб-қувватлаши, шарофати билан биринчи марта Ўзбекистонда жаҳон чемпионати ўтказилди. Юртдошларимиз ана шу тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битила-жақ воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлдилар. Чунки бунда ўзбек кураши бўйича илк жаҳон чемпионлари аниқланарди. Улар кимлар? Қайси юрт ўғлонлари шу номга муносиб? Ер юзининг олти миллиард аҳолиси орасида ким бу номга лойиқ экан?

Нихоят, ҳамма интиқиб кутган финал босқичига ҳам етиб келдик. 73 килограммга бўлган вазнда бухоролик Ақобир Қурбонов ва сурхондарёлик Маҳтумқули Маҳмудовлар бамисоли шердек олишарди. Ҳар иккиси ҳам Ўзбекистон вакиллари. Ҳаяжонли лаҳзалар. Ақобир полвон ҳақида икки оғиз маълумот: 1975 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Самбо бўйича жаҳон чемпиони. Вазни 73 кг. Қўллаб халқаро турнирлар совриндори.

Маҳтумқули Маҳмудов. 1969 йилда Сурхондарёда туғилган. Осиё чемпиони. Халқаро турнирларнинг бир неча бор ғолиби. Майдонда «Ҳа, Ақобир», «Ҳа, Маҳтумқули» деган ҳайкирлар янграб турарди. «Олишарди икки алп, икки мос, Иккиси ҳам бир-

бирдан кам эмас». Қани, ким бугун жаҳон чемпиони? Нихоят бу беллашув Ақобирни ғолиблик шохсупаси сари етаклади. 90 килограммгача бўлган финал баҳсларида Камол Муродов ва Армен Богдасаровлар ўзаро куч синашди. Камол Муродов: 1974 йилда Бухоро вилоятида туғилган. Дзюдо кураши бўйича Осиё чемпиони, Жаҳон биринчилиги совриндори. Халқаро микёсдаги спорт устаси.

Армен Богдасаров: 1972 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Атланта Олимпиадаси кумуш медали совриндори. Дзюдо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 90 кг вазнда ғолиб. Халқаро микёсдаги спорт устаси. Анчагина машаққатларни энгиб финалгача етиб келишининг ўзи бўлмайди, албатта. Бунгача спортчи қанча куч ўйқотиб, жисмонан толиқади. Ана шунда вақт полвонлар иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Ҳар иккала полвон ҳам нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон спортчилари орасида ҳам муносиб ўринга эга. Ғолибни интиқиб кутётган мухлисларнинг «халол, халол» деган ҳайкирлари янгради... Камол полвон ғолиблик наҳидасини сурмоқда эди.

Ҳамиша ҳам мутлоқ вазндаги полвонлар кураши мухлисларни қизиқтириб келган. Мутлоқ вазн тоифасида кураш тушганлар мутлоқ чемпионлики қўлга киритишди. Гиламда Алломиш авлодлари - сурхондарёлик Тоштемир полвон Муҳаммадиев ва Эрали полвон Маҳмарасуловлар.

Тоштемир полвон Муҳаммадиев: 1968 йилда, Сурхондарёнинг Бойсун туманида туғилган. Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган барча турнирларда қатнашиб, 1993 йил 90 килограммда учинчи, 1995 йил 100 кг да биринчи, 1997 йил мутлоқ вазнлилар курашида иккинчи ўринни қўлга киритди. Шу йилнинг IV-Халқаро турнири - Осиё чемпиони мутлоқ чемпиони, халқаро микёсдаги спорт устаси.

Эрали полвон Маҳмарасулов: 1971 йил Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида туғилган. Самбо кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Ат-Термизий халқаро турнирида «Президент соврини» соҳибидир. Халқаро микёсдаги спорт устаси. Чемпионатнинг энг ҳаяжонли дақиқалари. Яна бир неча сониялардан сўнг жаҳоннинг мутлоқ чемпиони аниқланди керак. Мухлис-

лардан бири Эрали ғолиб бўлади деса, яна бири Тоштемирни номзод қиларди. Кўраимиз, Алининг майдони кимни мутлоқ ғолиблик шохсупаси сари етаклар экан. Ҳақамнинг «кураш» деган ишорасидан сўнг полвонлар бел олишига тушдилар... Тоштемирнинг қўлини Эрали полвон банд кўтарди. Бу Эралининг мардлиги, Тоштемир полвоннинг кучлигидан далолат эди. Нихоят, мутлоқ ғолиб ҳам аниқ бўлди. Тоштемир полвон Осиё чемпионатининг ҳам мутлоқ ғолиблигини қўлга киритган эди. Бу сафар ҳам у Алломиш авлодининг нималарга қодир эканлигини яна бир қарра кўрсатди.

Ҳа, Тошкентнинг «ЖАР» спорт мажмуида бўлиб ўтган биринчи жаҳон чемпионатининг мутлоқ ғолиби ҳам аниқланди. Ушбу чемпионатда қатнашган Япония, Бразилия, Эрон, Жанубий Африка, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатлар полвонларининг кураши ҳам таҳсинга лойиқдир. Икки бразилиялик полвонлар Карлос Хонорато (мутлоқ вазнда), Александр Катсураги (73 кг вазнда)лар бронза медаллари соҳиб бўлишди. Бу эса ўзбек кураши силраларини ўрганиб илк бор майдонга тушган бразилиялик полвонлар учун улкан муваффақиятдир. Уларнинг бел олишилари ўзбек мухлислари томонидан ҳам қарсақлар, олқишлар билан эътироф этилиб турди.

Мусобақа сўнггида I Жаҳон Чемпионати иштирокчилари номидан Президентимиз Ислам Каримов ва Халқаро Олимпия кўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранча номига мурожаатнома қабул қилинди. Шундан сўнг чемпионлар ва совриндорлар тақдирланди. Улар шарафига республикамиз гимни янграб, байроғимиз фаллакка бўй қўзди.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ, Р.ГАЛИЕВ ва Ш.АКРОМОВ олган суратлар.



ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗИ

Ўзбекистон касабә уюшмалари Федерацияси кенгаши Президентимизнинг 9-Майни Хотира ва Қадрлаш кuni сифатида нишонлаш тўғрисидаги Фармонини ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда республика соғлиқни сақлаш ходимлари касабә уюшмаси Марказий кўмитаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Чинобод» сийҳатгоҳида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари иштирокида «Авлодлар учрашуви» ўтказилди.

Меҳмонлар гуллар, яшиллик бурканган сийҳатгоҳ ҳовлисида карнай-сурнай, ногоро чилдирмаларнинг дилларни тўлқинлантирувчи садолари ила кутиб олиндилар. Барчанинг юзида кулги, лабида табассум. Ахир қадрдонлар дийдор қуришувидан ҳам улуроқ иш борми. Кўксини мустақил Ўзбекистоннинг орденлари беэган табаррук кишиларга ҳавас ила тикиламыз. Улар беомрон жанг-жадалларда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган мардумайдонлардир.

— Шу кунларга етганимдан бошим осмонда, -дея ўз хурсандчилигини баён этади 80 ёшли Мукамбар ая Қориева. - Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 9 май Хотира ва Қадрлаш кuni деб эълон қилинганлиги бағоят улуг иш бўлди. Бу биз каби урушнинг суронли кунла-

рини бошидан кечирган меҳнат фронти ва уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган бекиёс эътибор рамзи ҳамдир. Буларнинг барчаси учун Президентимизга самимий миннатдорчилик изҳор этамыз.

«Авлодлар учрашуви» кечасига ташиф буюрганлар орасида Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳини 1942 йилда тамомлаган шифокорлар ҳам бор эди. Уларнинг фронтдаги, фронт ортидаги фидойилари ҳақида алоҳида гап борди. Табаррук инсонлар - Фахриддин Бобононов, Фахринисо Рамазонова, Вали Тожионов, Гулҷеҳра Мухамедова, Зулайхо Ҳасанова, Клавдия Жидкова кабилар даврга алоҳида файз бағишладилар.

Учрашув иштирокчиларини Ўзбекистон касабә уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабә уюшмаси Марказий кўмитаси раиси Озода Муҳитдинова самимий табриқлаб, совга саломларни топширди.

Уруш қатнашчиларидан академик Ёлқин Тўракулов, Муҳаддам ая Ашрапова, Жалол ота Маҳсумов, Татьяна Ильиналар сўз олиб, республикамиз раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар. Фахрийлар бой табриқлари, билимларини ёшлар тарбиясига бағишляя-жақларини маълум қилдилар.

Неъмат РАФИҚОВ, Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА.

Аёллар спартакиадасида

Эндилкида меҳнатқашларнинг ишдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказишга эришиши уларнинг жисмоний тарбия ва спорт ишларига мумкин қадар кўпроқ жалб этиш эвазига янада соғлом ва бақувват бўлишларини таъминлашга бўлган эътибор ниҳоятда кучайди. Бунда Ўзбекистон касабә уюшмалари Федерациясининг республика хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда ишлаб чиққан кенг қамровли дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиладиган спорт мусобақаларининг ахамияти бекиёсдир.

Апрел ойининг сўнгги кунларида Бухорода ўтказилган аёллар спартакиадаси ҳақида ҳам ана шундай фикрни билдириш мумкин. «Аёллар йили»га бағишланган бу ҳақиқий спорт кўриги байрам тусини олганлиги билан ажралиб турди. Унда мутлоқ ғолиблар иштирок этиб, ўз иктидор ва салоҳиятларини намойиш этдилар.

Икки кун давом этган беллашувлар чоғида Бухоро шаҳридаги марказий Уйингоҳ қўллаб спорт мухлислари, хомий ташкилотларнинг вакиллари, туманлардан ташиф буюрган касабәқўм фаоллари ҳамда оммавий-ахборот воситаларининг намояндалари билан янада гажум бўлди. Тармоқлараро ўтказилган вилоят спартакиадасида хотин-қизлар асосан спортнинг беш тури бўйича ўзаро куч синашдилар. Югуриш, сузиш, волейбол, стол тенниси ҳамда шашка бўйича ғолибликка даъвогарлар аниқланди.

Кизиқarli баҳс-мунозарага бой бўлган мусобақалар жароғинда спортчилар ўз маҳорат ва истеъдодларини ҳар томонлама намойиш этишга ҳаракат

чи билишади. Шу боисдан ҳам улар илк учрашувлар чоғидаёқ бир-бирини қўллаб, майдонда мумкин қадар ўзларини эркин тутиб, тўп суришга ҳаракат қилдилар. Қарангки, меҳнатларимиз зое кетмади. Мусобақа ғолиби бўлишдек шарафли номга сазовор бўлди.

Шу ўринда мен шофирқон-

СОВРИНЛАР ЭҒАСИНИ ТОПДИ

қилдилар. Ҳаммадан ҳам волейболчи қизлар жамоалари ўртасидаги беллашувлар гоятда қизиқarli ва эсда қоларли даражада ўтганлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқ жоиздир. Унда вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабә уюшмасига қарашли жамоага тенги топилмади. Улар барча рақибларини доғда қолдириб умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгалладилар.

Таркибида асосан Қоракўл тумани тиббиёт ходимларидан ташкил топган мазкур жамоа финалда қуриллиш ва қуриллиш ашёлари саноти ходимлари касабә уюшмаси волейболчи қизларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош соврин эгаси бўлдилар.

— Спортда кичик ғалабага ҳам осонликча эришиб бўлмайди. Буни спортчилар ях-

ши билишади. Шу боисдан ҳам улар илк учрашувлар чоғидаёқ бир-бирини қўллаб, майдонда мумкин қадар ўзларини эркин тутиб, тўп суришга ҳаракат қилдилар. Қарангки, меҳнатларимиз зое кетмади. Мусобақа ғолиби бўлишдек шарафли номга сазовор бўлди.

Шу ўринда мен шофирқон-ғолибларини таништириб ўтамиз. Шашка бўйича биринчи ўрин Бухоро шаҳридаги 24-мактаб вакилларида Нигора Ҳотамова ҳамда Замира Фафурваларга насиб этган бўлса, 2-ўрин Бухоро шаҳридаги кўзи ожизлар қорхонасининг ишчиси Замира Нуруллаева, 3-фахрли ўринни эса Бухоро туман-

нидаги «Маданият» жамоа ҳўжалиги спортчилари эгалладилар. Енгил атлетика мусобақаларида Ромитан туманидан келган спортчи қизларнинг (давлат муассасалари касабә уюшмасига қарашли) қўли банд келди. Булар опасингил Мумина, Меҳринисо Сафаровалар, Маҳбуба Қодирова, Гулнор Шокуювалардир. Улар Бухоро шаҳар халқ таълими ходимлари жамоаси билан 1-1 ўринларни бўлиб олишди.

25 метр масофага сузишда 4-мактаб ўқитувчиси Гули Хусанова маррага биринчи бўлиб етиб келди. 50 метр масофадаги сузиш мусобақалари жуда қизиқarli ва кескин спорт курашлари остида ўтди. Спорт устаси Света Викулова («Семурь» спорт комплекси мураббийси)га етадигани топилмади. У бу

масофани 31 дақиқада босиб ўтиб, маррага олдин етиб келди. Стол тенниси бўйича ўтказилган беллашувлар ҳам мухлисларга катта завқ бағишлади. Беллашувларга пухта ҳозирлик кўрган фан ва халқ таълими ходимлари жамоаси ғолиблик шохсупасидан жой олишга муяссар бўлган бўлсалар, кейинги ўрин соғлиқни сақлаш ходимлари жамоасига насиб этди. Умумжамоа ҳисобида фан ва таълим ходимлари касабә уюшмаси жамоаси ғолиб деб топилди. Кейинги ўринларни давлат муассасалари тармоқ спортчилари ҳамда агросаноат ходимлари вилоят кўмитасининг ахил жамоаси ишғол этдилар.

Ғолиб жамоалар ва спортчилар муносиб тарзда тақдирландилар. Уларга вилоят касабә уюшмаси кенгаши номидан эсдалик совғаларини кенгаш раисаси Саида Ибодовна Сайфуллаева топширди. Шунингдек, ғолиб спортчилар хомий ташкилотлар томонидан уюштирилган қимматбаҳо совғалар билан ҳам муносиб тарзда тақдирландилар.

Бухорода «Аёллар йили» муносабати билан ўтказилган хотин-қизлар спартакиадаси вилоятда жисмоний тарбия ва спортнинг янада оммавийлашуви сари изчил қадмалар қўйиляётганигини яна бир қарра тасдиқлади.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабә уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Оstonов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар
бўлими 56-87-73
Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Махсими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотула эркин нарҳда.
«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширишда 22.00.